

**“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик
жамиятининг 2023 йил 29 майдаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида
акциядорларнинг овоз бериш яқунлари**

№	Овозга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари					
		ёқлайман		қаршиман		бетарафман	
		%	сони	%	сони	%	сони
1.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
2.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
3.	"ЎЗИҚМК" АЖ Ижроия органининг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
4.	"ЎЗИҚМК" АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил яқунлари бўйича Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш	100	106 611 565	0	0	0	0
5.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва молиявий ҳолати тўғрисидаги аудиторлик ташкилотининг МҲХС асосида тайёрланган аудиторлик ҳисоботини тасдиқлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
6.	"ЎЗИҚМК" АЖ нинг 2022 йилдаги фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари натижаларини кўриб чиқиш	100	106 611 565	0	0	0	0
7.	"ЎЗИҚМК" АЖ нинг 2022 йилдаги корпоратив	100	106 611 565	0	0	0	0

	бошқарув тизимини баҳолаш ва корпоратив бошқарув Кодекси қоидалари тавсияларига риоя қилиш натижаларини кўриб чиқиш						
8.	Ҳисобот йилининг соф фойдасини тақсимлаш	91,6	97 633 749	8,4	8 977 816	0	0
9.	Кузатув кенгаши аъзоси О.З.Насритдинходжаевнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш	100	106 611 565	0	0	0	0
10.	А.М. Бобоевни "ЎЗИҚМК" АЖ Кузатув кенгаши аъзоси этиб, уч йил муддатга сайлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
11.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва молиявий ҳолатини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш ва МХХС асосида аудиторлик ҳисоботини тузиш учун аудиторлик ташкилотини, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш ва у билан шартнома тузиш	100	106 611 565	0	0	0	0
12.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
13.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
14.	"ЎЗИҚМК" АЖ Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
15.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш	100	106 611 565	0	0	0	0
16.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг Ижроия органи	100	106 611 565	0	0	0	0

	тўғрисидаги Низоми"ни янги таҳрирда тасдиқлаш						
17.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг аффилиланган шахс билан жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.	89,5	95 389 295	0	0	10,5	11 222 270

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таҳрири:

1.	Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият ходимлари орасидан қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин: 1.Улуғбек Искандаров – Санок комиссияси раиси; 2.Бахтиёр Шоймарданов – Санок комиссияси аъзоси; 3.Рустам Алимов – Санок комиссияси аъзоси.
2.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Регламенти 2-Иловага асосан тасдиқлансин.
3.	"ЎЗИҚМК" АЖ Ижроия органининг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи 3-Иловага асосан тасдиқлансин.
4.	4.1. "ЎЗИҚМК" АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил яқунлари бўйича Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботи 4-Иловага асосан маъқуллансин; 4.2. "ЎЗИҚМК" АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.
5.	"Grant Thornton" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг "ЎЗИҚМК" АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича МХҲС асосида тайёрланган ҳисоботи юзасидан ташқи аудит хулосаси 5-Иловага асосан тасдиқлансин.
6.	"ЎЗИҚМК" АЖ нинг 2022 йилдаги фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари натижалари 6-Иловага асосан маъқуллансин.
7.	"ЎЗИҚМК" АЖ нинг 2022 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ва корпоратив бошқарув Кодекси қоидалари тавсияларига риоя қилиш натижалари 7 ва 7.1-Иловаларга асосан маъқуллансин.
8.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг 2022 йил яқунлари бўйича олган 24 137 502 630,30 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин: -Мажбурий заҳиралар фондига (соф фойданинг 5%)-1 206 875 131,52 сўм; -2022 йил давомида Кузатув кенгаши таркибида бўлган аъзоларини мукофотлашга (соф фойданинг 1,3%)- 313 600 000,00 сўм; -Ходимларни мукофотлашга (соф фойданинг 4%)- 965 500 105,20 сўм; -"ЎЗИҚМК" АЖнинг "Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низоми"га мувофиқ, қўшимча акциялар чиқариш орқали "ЎЗИҚМК" АЖ устав капиталини оширишга (соф фойдасининг 89,7%) - 5% солиқ тўловларини ҳисобга олиб, 21 650 000 000,0 сўм. Бунда номинал қиймати 1000 сўм бўлган 20 567 500 дона акция акциядорлар ўртасида устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда, яъни қўшимча чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна усулида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5-кун (бешинчи кун) ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига

	асосан жамият акциядорлари ўртасида акциядор улушига мутаносиб равишда, тақсимлансин. - Номинал қиймати 1000 сўм бўлган 20 567 500 дона акцияни акциядорларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимлашда ҳисобларни яхлитлаш натижасида юзага келадиган 1 527 393,58 сўм миқдоридаги маблағ заҳира фондига қўшимча йўналтирилсин.
9.	"ЎЗИҚМК" АЖ нинг Кузатув кенгаши аъзоси Насритдинходжаев Омонулла Забиҳуллаевичнинг ваколати муддатидан олдин тугатилсин.
10.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вакили Адиз Музафарович Бобоев "ЎЗИҚМК" АЖ нинг Кузатув кенгаши аъзоси этиб уч йил муддатга сайлансин.
11.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва молиявий ҳолатини МҲҲС асосида тузилган ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун "PKF MAK ALYANS" МЧЖ аудиторлик ташкилоти, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҚҚС билан биргаликда 408.800.000,0 сўм этиб белгилансин ва у билан шартнома тузилсин.
12.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг янги ташкилий тузилмаси 12-иловага асосан тасдиқлансин.
13.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг янги таҳрирдаги устави 13-иловага асосан тасдиқлансин.
14.	"ЎЗИҚМК" АЖ Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомининг янги таҳрири 14-иловага асосан тасдиқлансин.
15.	"ЎЗИҚМК" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомининг янги таҳрири 15-иловага асосан тасдиқлансин.
16.	"ЎЗИҚМК" АЖ Ижроия органи тўғрисидаги Низомининг янги таҳрири 16-иловага асосан тасдиқлансин.
17.	"ЎЗИҚМК" АЖнинг 17-Иловадаги рўйхатда кўрсатилган аффилиланган шахслари ва битим имзоланган пайтда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 85-моддасига асосан "ЎЗИҚМК" АЖга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этиладиган шахслар билан жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллансин.